Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 12 апрель 1968 йил, жума ◆ № 86 (13.948). Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Пленум «Халқаро аҳволнинг актуал проблемалари ҳақида ва КПСС-нинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида»ги масала юзасидан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат ва жаҳон коммунистик ҳаракати соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий фаолиятини бутунича ва тўла маъқуллади.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1968 йил 10 апрелда ўз ишини давом эттирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрtоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳволнинг актуал проблемалари ҳақида ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида»ги доклади юзасидан музокараларда Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари Л. С. Куличенко, Красноярск ўлкасидаги Норильск кон-металлургия комбинатининг старший эритувчиси А. С. Шереметов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. Нуриев, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори П. Н. Федосеев, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари Н. М. Мирошниченко, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Г. М. Марков, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, СССР Мудофаа министри А. А. Гречко, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов, СССР маданият министри Е. А. Фурцева, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, «Правда» газетасининг бош редактори М. В. Зимянин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми муҳокама қилинган масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев якунловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ўртоқ К. Ф. Катушевни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Н. В. Банников, Е. Ф. Логинов, С. Л. Соколов, А. С. Шереметов, Н. А. Шчелоков ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан КПСС Марказий Комитети аъзолигига ўтказди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми шу билан ўз ишини тамомлади.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1968 ЙИЛ 10 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРИ

# ХАЛҚАРО АҲВОЛНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ ВА КПССНИНГ ЖАҲОН КОММУНИСТИК ҲАРАКАТИ ЖИПСЛИГИ УЧУН КУРАШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳволнинг актуал проблемалари ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун кураши тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, **қарор қилади:**

**Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат ва жаҳон коммунистик ҳаракати соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий фаолияти бутунича ва тўла-тўкис маъқуллансин.**

Пленум шуни қайд қиладики, КПСС XXIII съездида ишлаб чиқилган ҳамда Марказий Комитетнинг 1966 йил декабрь ва 1967 йил июнь Пленумлари қарорларида янада ривожлантирилган йўл изчиллик билан амалга оширилганлиги туфайли мамлакатимизнинг ташқи сиёсий мавқеи тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди: Совет давлатининг ўсиб бораётган қудрати ва обрўйи тинчлик ва социализм манфаатларига, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши курашга тобора актив хизмат қилмоқда; қардош партиялар билан яқиндан ҳамкор бўлиб, халқаро коммунистик ҳаракат жипслиги учун олиб борилган курашда муҳим натижага эришилди.

Пленум Будапештдаги Маслаҳат учрашуви якунларини батамом маъқуллайди, бу учрашув коммунистик ҳаракатни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди, пролетар интернационализми принципларини мужассамлаштирди. КПСС Марказий Комитети Пленуми коммунистик ва ишчи партияларнинг 1968 йил ноябрь — декабрга мўлжалланган Кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун курашнинг энг яқин даврдаги асосий бўғини бўлади, деб ҳисоблайди. Пленум Будапешт учрашуви Ахборотида ёзиб қўйилган келишилган позициялар асосида қардош партиялар билан яқин алоқада бўлиб, янги халқаро Кенгашнинг муваффақияти учун бутун куч-ғайратни сарфлашни Сиёсий бюрога топширади.

Пленум СССР делегациясининг Сиёсий Маслаҳат Комитети София Кенгашидаги фаолиятини юксак баҳолайди ва маъқуллайди ҳамда шу кенгашда қабул қилинган қарорларни табриклайди. «Американинг Вьетнамдаги агрессияси кенгайтирилганлиги натижасида тинчлик учун вужудга келган хавф тўғрисида Декларация» — Америка агрессорларига қилинган янги жиддий огоҳлантиришдир. Бу Декларация социалистик мамлакатларнинг курашаётган Вьетнам билан интернационал бирдамлигини яна бир марта намойиш қилди. Империалистларнинг қардош социалистик мамлакатга қилган ҳужумини қайтариш ва Вьетнамда тезроқ тинчлик ўрнатиш манфаатларини кўзлаб, бундан буён ҳам Вьетнам Демократик Республикасига, Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам бериладеради.

Марказий Комитет Пленуми ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома хусусида Европадаги олти социалистик мамлакат қардош партиялари биргаликда ишлаб чиққан позицияни якдиллик билан маъқуллайди. Бу шартноманинг тезроқ тузилиши дунёдаги ҳамма халқларнинг ва барча социалистик давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларига хизмат қилади.

Пленум Сиёсий бюронинг қардош социалистик мамлакатлар билан алоқаларни янада ривожлантириш соҳасидаги актив ва ҳар томонлама фаолиятини тўла маъқуллайди. Пленум олти социалистик мамлакат партия ва ҳукуматлари раҳбар арбобларининг Дрезденда бўлиб ўтган учрашуви аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Пленум социалистик ҳамдўстликни сиёсий, иқтисодий ва мудофаа жиҳатидан муттасил мустаҳкамлаб бориш учун бизнинг партиямиз зарур бўлган ишларнинг ҳаммасини қилишга тайёр эканлигини яна бир марта билдиради.

АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган Исроил ҳукмрон доираларининг агрессив ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқда жиддий аҳвол ҳали ҳам сақланиб қолаётганлигини таъкидлаб, Пленум Сиёсий бюро билан Совет ҳукуматининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатишга, босиб олинган араб территорияларини озод қилишга, араб мамлакатларидаги тараққийпарвар кучларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларини батамом маъқуллайди.

Марказий Комитет Пленуми Ғарбий Германиядаги реваншизм ва милитаризмни фош қилишга қаратилган сиёсатнинг тўғрилигини тасдиқлайди ҳамда социалистик мамлакатларни, бошқа тинчликсевар давлатларни ва империализмга қарши ҳамма кучларни Ғарбий Германия империализмига қарши курашмоқ учун жипслаштириш соҳасида КПСС ва қардош партиялар биргаликда қилаётган ишларнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Пленум шуни қайд қиладики, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи капитализм билан социализм ўртасидаги идеология курашининг кескин кучайганлиги билан характерланади. Коммунизмга қарши пропаганданинг бутун жуда катта аппарати ҳозир социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини бўшаштиришга, ҳозирги замоннинг илғор кучларини пароканда қилишга, социалистик жамиятга ичкаридан путур етказишга уринишга қаратилган. Жиддий ларзаларга дуч келаётган ҳамда ички ва ташқи сиёсатда катта муваффақиятсизликларга учраётган империализм ва аввало, АҚШ империализми ҳарбий сиёсий соҳадаги авантюралар билан бир қаторда социалистик мамлакатларга, коммунистик ва бутун демократик ҳаракатга қарши қўпорувчиликдан иборат сиёсий ва идеология кураши олиб боришга тобора кўп куч сарфламоқда.

Шундай шароитда душман идеологиясига қарши муросасиз кураш олиб бориш, империализм кирдикорларини кескин фош қилиб ташлаш, КПСС аъзоларини ва барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партиянинг бутун идеология ишларини кучайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқдаки, бу — барча партия ташкилотларининг энг муҳим бурчларидан биридир. Уларнинг бурчи буржуа идеологиясига қарши ҳужумкор кураш олиб боришдан, адабиёт, санъатнинг айрим асарларида ва бошқа асарларда совет жамиятининг социалистик идеологиясига ёт қарашларни ўтказиш учун қилинаётган уринишларга активлик билан қарши чиқишдан иборатдир. Партия ташкилотлари ғоявий тарбиянинг барча мавжуд воситаларини ҳар бир коммунистда ва ҳар бир совет кишисида коммунистик эътиқодни, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғуларини мустаҳкамлашга, ғоявий матонатни ва буржуа таъсирининг ҳар қандай шаклларига қаршилик кўрсата олиш маҳоратини мустаҳкамлашга қаратишлари керак.

К. Маркс туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш идеология ишини юксалтиришнинг, марксизм-ленинизм улуғ ғояларини кенг кўламда пропаганда қилишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Партия ташкилотларининг идеология фаолияти барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва жамоат активлигини ошириш вазифалари билан, ҳар бир совет кишисининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга, беш йилликни муваффақиятли тамомлашга амалий ҳисса қўшиши билан тағин ҳам мустаҳкам боғлаб олиб борилиши зарур.

Ватаннинг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, ўзининг ленинчи партияси раҳбарлигида коммунизм ғалабаси йўлини очаётган жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш партия билан бутун совет халқининг энг муҳим вазифасидир.

Марказий Комитет Пленуми, ҳозирги халқаро вазият социализм, демократия ва миллий озодликнинг барча кучлари бир ёқадан бош чиқариб, актив ҳаракат қилишини қатъий талаб этмоқда, деб ҳисоблайди. КПСС бундан буён ҳам империализмга кескин зарба бериш ва жаҳон урушининг олдини олиш сиёсатини, социализм мамлакатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, коммунистик ҳаракат, барча антиимпериалистик кучларни жипслаштириш сиёсатини ўтказа беради.

## Константин Федорович КАТУШЕВ

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ



1927 йилда туғилган, миллати рус. 1952 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли — Горький политехника институтини тамомлаган.

1951—1957 йилларда Горький автомобиль заводида конструктор, старший конструктор, етакчи конструктор, бўлим бош конструкторининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1957 йилдан бери Горький шаҳрида партия ишида ишлаб келади. КПСС Автозавод райкомининг иккинчи секретари Горький автомобиль заводи партия комитетининг секретари бўлган. 1963—1965 йилларда КПСС Горький шаҳар комитетининг биринчи секретари бўлган. 1965 йилдан бери КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари.

СССР Олий Советининг депутати. Иттифоқ Советининг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссиясининг раиси. Ленин ордени билан мукофотланган.

## БУГУН — КОСМОНАВТИКА КУНИ

мамлакатимиз фазокорларига шон-шарафлар бўлсин!

ТАСС АХБОРОТИ

### ОЙНИНГ ЯНГИ СОВЕТ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ «ЛУНА-14» СТАНЦИЯСИ

ОЙНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

**1968 йил 10 апрелда «Луна-14» автоматик станцияси тормоз бериш маневри ўтказилганидан кейин селеноцентрик орбитага кўчирилди ва Ойнинг навбатдаги совет сунъий йўлдоши бўлиб қолди.**

**«Луна-14» янги сунъий йўлдоши Ойни ва космик фазони илмий тадқиқ этишни давом эттирмоқда, бу тадқиқотларни «Луна» сериясидаги совет автомат станциялари — йўлдошлари бошлаб берган эди.**

(«Луна-14» станциясининг учиши тўғрисидаги ахборот газетамизнинг кейинги сонида батафсил босилади).



**ФАРҒОНА** нефтни қайта ишлаш заводи коллективи биринчи квартал топшириғини муваффақиятли бажарди. Планга қўшимча бир неча минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, маҳсулот таннархи арзонлашди. Суратда: Ғани Қўчқоров раҳбарлик қилаётган илғор бригада оператори Александра Аксёнова (чапдан ўнгга), оператор ёрдамчиси Валерий Кузьмин ва старший оператор Ғани Қўчқоров ўртоқлар.

Г. БОЙКО фотоси. (ЎзТАГ).

